300409-1


Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 11 апрель, № 74 (4737) Шанба

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида маънавий юксалиш йўлида оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Асрларга тенгдош миллий қадриятларимизнинг тикланиши, ҳар биримизнинг дилимизда боқий анъаналаримизга нисбатан чуқур эҳтиром ҳисси шаклланганлиги бунинг ёрқин далилидир.



Қолаверса, юртимизда ёшлар тарбиясига эътибор масаласи ҳеч қачон ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Ёшлар эртанги кунимиз, келажагимиз ворисларидир. Улар ардоқланган юртнинг келажаги, шубҳасиз, буюк бўлади.

Президентимизнинг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳам, ҳеч муболағасиз, ана шу мақсадга қаратилган. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидаги иқтидор эгаларини аниқлаш, уларнинг истеъдодларини муносиб рағбатлантиришга, танловнинг қуйи босқичларини ҳам юқори савияда ўтказилишига эътибор қаратилганлиги янада аҳамиятлидир.

Фахр

Киши тарбиясида илму маърифат нечоғли муҳим аҳамият касб этса, бу борада мусиқа ва санъат ҳам беқиёс ўрин тутади. Айниқса, яхши куй, дилбар навонинг инсон руҳиятига таъсири катта. Биргина она алласини олайлик, уни эшитганда алла сеҳри ила мурғак вужуд хотиржам бўлади. Йиллар ўтиб, улғая боргач, унинг қалбида онага, туғилиб ўсган юртига муҳаббати ортади. Балки шунинг учун бўлса керак, она ҳақида гап кетганда Ватанни, Ватан дейилганда эса онамизни кўз олдимизга келтирамиз. Президентимизнинг қарори муқаддас тупроқ, киндик қони тўкилган маконга бўлган туйғуларни янада жўш урдиради. Унда қайд этилганидек, санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган қўшиқ юртда ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларнинг тараннум этилиши ўсиб келаётган ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан камол топишларида энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишлардан бири саналади.

Мамлакатимизнинг энг олис масканларида, чекка қишлоқларимизда минг-минглаб иқтидор эгалари бор. Улар, асосан, ўзларининг ҳудудларидаги байрам ва тўй-тантаналарда салоҳиятларини кўрсатишмаса, бошқа пайт бунга биров эътибор бермайди. Оқибатда, қанчадан-қанча истеъдод соҳиблари кашф этилмай қолиши мумкин. Мазкур қарорни ўқиб англадикки, бундай истеъдодларни кашф этиш ва

(Давоми 3-бетда).

Хорижий мамлакатлар сиёсий, иқтисодий ва эксперт доираларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ҳақидаги баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОЛҒА БОРМОҚДА

Дунё нигоҳи

Яқинда Ўзбекистоннинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигидаги дипломатия ваколатхонаси «Tethys Petroleum Ltd» Британия энергетика компанияси бош ижрочи директори Жулиан Хаммонднинг Президент Ислом Каримовнинг китобига билдирган мулоҳазалари битилган мактубини олди.

Мактуб муаллифи Президент Ислом Каримовнинг китоби унда катта қизиқиш уйғотгани ва Ўзбекистон иқтисодиёти ва молиявий тизимининг ҳозирги ҳолати билан батафсил танишиш имкониятини бергани ҳақида ёзади.

— Мамлакатни оқилона бошқариш ва мутаносиб олиб борилган иқтисодий сиёсат Ўзбекистонни бугун бошқа давлатлар дуч келаётган Америка Қўшма Штатларидан бошланган иқтисодий инқироз билан боғлиқ муаммолардан ҳимоя қилгани алоҳида эътиборимни тортди. Молиявий тизим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг тартибга солинишида давлатнинг муҳим ўрин тутганлиги мамлакатда молиявий интизом шаклланишига асос бўлди. Бунга бир мисол сифатида иқтисодиёт учун самараси бўлмаган қисқа муддатли фойдага эмас, узоқ муддатли инвестицияга асосланган банкларнинг кредитлашуви юзага келди, — дейилади Ж. Хаммонд мулоҳазасида.

Шунингдек, унинг таъкидлашича, «Қисматнинг ҳазилини қарангки, айнан ўша кўп муаммоларга дуч келган мамлакатлар, хусусан, Буюк Британия ҳам эркин бозор тарафдори эди ва узоқ давр мобайнида унга давлат жуда кам даражада аралашарди. Энди эса бундан воз кечишди ва давлатнинг қатъий тартиб асосида эркин бозорга кўпроқ аралашиши ҳақидаги фикрни илгари суришмоқда. Ўзбекистон бутун ўтган вақт давомида ушбу мутаносибликни сақлаб келди ва бунинг натижасида у бугун мақтовга сазовор.

Давлат ва эркин бозор ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳар қандай иқтисодиёт учун самарали ва узоқ муддат давомида фойдали бўлишини бугун бутун дунё ҳис қилмоқда, буни Ўзбекистон тажрибаси тўла намоён этмоқда».

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг Наманган вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шаҳарсозлик:

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокимлигининг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, Наманган вилоятида соҳага тегишли қонун ҳужжатлари талабларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилган. Хусусан, биргина 2008 йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига кўра, жами 177,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Умумий майдони 725,9 минг кв. метрни ташкил этадиган уй-жойлар фойдаланишга топширилган.

Айтиш жоизки, вилоятда шаҳарлар ва туман марказлари қиёфаларини тасдиқланган бош режаларга мувофиқлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Наманган шаҳри бош режасига мувофиқ, «Тинчлик» хиёбони, «Гишт кўприк» даҳасидаги савдо ва аҳолига маиший хизмат

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Унда мазкур судлар судьялари, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судларининг раислари, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий суд раиси Б. Мустафоев ва Олий хўжалик суди раиси Д. Мирзакаримов бошқарган мажлисда мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими ва фаолияти тубдан такомиллашиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни асосида ижро тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жорий йил 14 январда қабул қилинган "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан суд қарорлари ижро этилиши кафолатлари янада кучайтирилди.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг доимий қароргоҳи Кувайт давлатида бўлган Баҳрайн Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдурафиқ Ҳошимов Баҳрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол Халифага ишонч ёрлиғини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Баҳрайн Подшоҳи унинг мамлакати Ўзбекистон Республикаси ва Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликни икки давлат халқлари манфаатлари йўлида янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

Қирқиш чизиғи

батан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси ушбу масала бўйича Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин ўн кун ичида Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласига оид қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади».

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 10 апрель
№ ЎРҚ — 209

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2009 йил

Қирқиш чизиғи

чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номига жўнатиладиган хатлар ва бошқа жўнатмалар бундан мустасно.

Маҳкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида амалга оширилади. Телеграммалар эгаларига дарҳол топширилади ва жўнатилади.

Хатлар ва бошқа жўнатмалар олиш ҳамда юбориш, шунингдек уларни цензурадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида хат ёзишмалари фақат ўзаро қариндошлар ўртасида ва муассаса маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 178-модда) **50-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Сенати аъзоларининг» деган сўзлар «Сенати аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Буклаш чизиғи

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **23-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосарининг номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорлари Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **30¹-модда** билан тўлдирилсин:

ЎЗБЕКИСТОН ҚАТЪИЯТ БИЛАН ОЛҒА БОРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ж. Хаммонднинг фикрига кўра, бунинг натижасида «иқтисодиётнинг кўпгина мамлакатларнинг ҳаваси келадиган суръатда ўсишига эришилади. Президент Ислом Каримов тобора кўлами кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган иқтисодий инқироз Ўзбекистонга таъсир этмайди деб ўйлаш хато эканлигини таъкидлайди ва мамлакат раҳбари бунинг оқибатида экспорт ҳажмининг пасайиши кутилишини қайд этади. Бу савдонинг ўсиб келаётган тармоғи ҳисобланган саноат ва тайёр маҳсулот экспорти билан боғлиқдир. Ривожланишни тезлаштирадиган ва иқтисодиётни диверфикациялашга замин яратадиган инновацияга сармоя киритиш давом этмоқда. Бу, менимча, иқтисодиётга барқарорлик олиб келади».

Мулоҳазалар муаллифи қуйидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашади: «Банк тизимини ривожлантириш учун уларни қўллаб-қувватлаш ҳаётий муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Банк тизими ҳар қандай давлатнинг ҳаётини таъминлаб турувчи тармоғи бўлиб, унга ана шу даражасига қараб баҳо бермоқ керак. Иқтисодиётни модернизация қилишга хизмат қиладиган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва кичик бизнесни кредитлашнинг муҳим манбаларидан бўлган «Микрокредитбанк» каби бошқа молиявий институтлар сингари, албатта банкларни ҳам қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини мустаҳкамлаш зарур».

— Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳам аҳоли бандлик даражасининг ошиши учун асосий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Китобда ҳукуматнинг мактаб ва бошқа таълим муассасаларини реконструкция қилиш каби кенг кўламли ижтимоий дастурни ривожлантириш баробарида қандай қилиб ушбу соҳаларни қўллаб-қувватлаш мумкинлиги аъло даражада ифодалаб берилган.

Ўзбекистонда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва унинг барча муҳим соҳаларни қамраб олган беш йўналиши, мен ўйлайманки, жорий молиявий инқироздан чиқишнинг йўли ҳисобланади.

Британия компаниясининг бош ижрочи директори ўз шарҳини шундай якунлайди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсати учун юксак мукофотга муносиб. Биз кўпинча у ёки бу мамлакатнинг яхши ривожланаётгани ёки ривожланмаётгани ҳақида билмаймиз, айни пайтда уларнинг инқирозга қай даражада бардош бера олганликларини кўрмасимиздан туриб буни аниқлаш мушкул. Шу маънода, Ўзбекистон бугунги кунда ўз тараққиёт йўлида ишонч билан олға бормоқда ва унга ёрқин келажак бўй кўрсатмоқда».

«Жаҳон» АА.
Лондон.

Яхши хабар

Сув манбаларининг жорий йилдаги ҳолати об-ҳаётнинг ҳар томчисидан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади.

ҲАР ТОМЧИСИ ҲИСОБДА

Юз минг гектардан ортиқ экинзорда суғориш ишларини ташкил этишга масъул бўлган Наманган насос станциялари бошқармаси ходимлари буни яхши билган ҳолда мавсумолди тайёргарлиги ишларини бошлаб юборди-лар.

Айни чоғда вилоят туманларидаги мавжуд 204 та насос станцияси, 798 та суғориш қудуқлари, 135 та подстанция ҳамда 231 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари экинларни суғориш мавсумига шай ҳолатга келтирилди.

Бошқарма мутахассислари фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган сувдан фойдаланувчилар уюшмалари тасарруфидаги насос агрегатларини созлаш ишларига ҳам яқиндан ёрдам беришаяпти. Хусусан, "Тўрақўрғон-1" насос станцияси пухта таъмирлашдан чиқарилиб, ҳудудда кафолатланган сув таъминоти йўлга қўйилди.

Чуст, Шербулоқ, Косонсой таъмирлаш устахоналари мутахассислари шу кунларда мавжуд техника воситаларини яна бир карра синовдан ўтказишаяпти.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шаҳарсозлик:

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсатиш мажмуаси барпо этилди, «Дўстлик» буюм бозори қайта таъмирланди, кўп хонадонли уйлар ва бошқа иншоотлар қурилди. 2006-2008 йиллар давомида вилоят бўйича жами 108 та мактаб, 32 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 46 та болалар спорт иншоотлари объектларида, 5 та қишлоқ врачлик пунктларида, 7 та деҳқон ва буюм бозорларида, шунингдек, 605 та маиший хизмат кўрсатиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган.

Шу билан бирга, вилоят шаҳарлари ва туманларида ишчи комиссиялар томонидан ноқонуний қурилиш фактларини доимий равишда кўриб чиқиш ва шу бўйича чоралар кўриш ташкил қилинган. Масалан, 2006-2008 йиллар даврида мазкур комиссиялар томонидан 1162 та ноқонуний қурилиш фактлари кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар чиқариш учун маъмурий органларга берилган.

Мажлис иштирокчилари шаҳарсозлик соҳасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар хусусида ҳам сўз юритишди. Масалан, Уйчи туманидаги Уйчи шаҳарчасида аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун режалаштирилган ҳудуд 1995-2000 йилларда собиқ ширкат хўжалиги томонидан уй-жой қурилиши учун тақсимлаб бериб юборилган. Бундан ташқари, «Ягона транссавдо» МЧЖ, «Технологик ишлаб чиқариш таъминот» МЧЖ, «Наманган индустрия техника сервис» МЧЖ, «Дўстлик» МЧЖ, «Уммон саноат савдо» каби корхоналарда маҳсулот сертификатланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳолатлари учраб турибди.

Йиғилишда Наманган вилояти ва туманлари ҳокимликларига тегишли тавсиялар берилди ва шу асосда қўмита қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қўшма пленум муҳокамасига киритилган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарор лойиҳаси шу соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

Муҳокама этилган Пленум қарорининг лойиҳаси мазкур қонунни ҳаётга тўғри татбиқ этиш, бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш, судлар томонидан чиқарилаётган қарорларнинг сўзсиз ижро этилишига хизмат қилади.

* * *

Шу куни Олий суд пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда "Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Жиноят кодексининг 232-моддаси янги таҳрирда баён этилган. Ушбу модданинг эски таҳририда фақат мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланмаган эди. Эндиликда суд ҳужжатларини сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида қонунда суд ҳужжатини ижро этмаган жисмоний шахсларнинг ҳам жавобгарлиги белгиланди. Бундай қилмишларни содир этган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги эса кучайтирилди.

Ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгартишлар киритилди. Яъни, ижро ҳужжатини ижро этмаслик, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Юқорида қайд этилган қонун меъёрларини жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тўғри қўллаш, бу борада ҳам бир хилдаги суд амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур Пленум қарорининг лойиҳаси йиғилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимизда бу йил тўртинчи бор «Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилади. Шу муносабат билан кеча Миллий матбуот марказида мазкур танлов ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ РАҚОБАТ РАҒБАТИ

Танлов

Тадбирда танлов ҳайъати ва унинг ишчи гуруҳи таркиби аниқланди. Шунингдек, "Олтин қалам" Миллий мукофоти танловининг доимий чорлов қўшиғи, ғолиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросимига бағишланган махсус дастурнинг сценарий режаси тасдиқланди. Маълумки, ушбу ижодий ишлар матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистика йўналишлари бўйича тақдирланади. Шунингдек, танловда хорижлик журналистларнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши муаллифлик материали номинацияси ҳам мавжуд.

Айтиш жоизки, "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун ўтказиладиган танловга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йилги Миллий мукофот учун танловга айни кунга қадар 300 нафар журналист тўрт мингдан зиёд ижодий иш топширди.

Жорий йилда танлов мавзу ва йўналишлар жиҳатидан янада кенг қамров касб этаётир. Бу гал ижодкорлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган энг яхши материал учун", шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати" деб номланган янги номинациялар бўйича тақдирланишади. Танловда, шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари ҳам ўзларининг турли мукофотлари билан иштирок этадилар.

Анжуманда таъкидланишича, IV Халқаро "Олтин қалам" мукофоти ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими 1 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида "Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА.

МУҲОКАМАДА — ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Сир эмас, бугунги кунда кузатилаётган жаҳон молиявий инқирози дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий муаммоларнинг кўпайишига олиб келаяпти.

Негаки, кутилмаган молиявий танглик оқибатида йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтатилиб, ишсизлар сони кўпайиб бораётир. Шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда юқори иқтисодий суръатлар қайд этилаётгани, кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилаётгани қувонарли ҳолдир, албатта. Бу Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Анжуман

Таъкидлаш керак, мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилиниб, унинг доирасида пухта ишлаб чиқилган тадбирлар изчил амалга оширилаётгани туфайли инқироз таъсири бартараф этилаяпти. Бунда давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Эътиборлиси, мазкур муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, унинг оқибатлари ва миллий иқтисодиётимизга таъсирини юмшатиш йўллари белгилаб берилган ана шу китоб чет эл иқтисодчилари, жумладан, Россия Федерацияси олимлари томонидан чуқур ўрганилиб, юқори баҳоланди. Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси томонидан Тошкент шаҳридаги филиалида ўтказилган халқаро анжуман мазкур асарга бағишланган бунинг яна бир тасдиғидир.

Халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, тегишли вазирликлар масъул ходимлари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик корпус намояндалари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, таниқли олимлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, шунингдек, чет эллик мутахассислар иштирок этди.

Иштирокчилар секцияларга бўлиниб, жаҳон молиявий инқирози шароитидаги энг муҳим муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган маърузалар билан танишиб, муҳокама қилдилар.

С. РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ

Мамлакатимиз Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Қарор ва ижро

Пойтахтимиздаги «Тошкент агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти ўз фаолиятини ушбу дастур асосида ташкил этиб, салмоқли натижаларга эришмоқда. Жумладан, аграр тармоқ учун чигит экиш сеялкалари ва ғўза баргини тўкишда фойдаланиладиган пуркагичлар ишлаб чиқарилаётир. Муҳими, корхона маҳсулотларининг 60-70 фоизи маҳаллийлаштирилган.

Натижада маҳсулот тури, сифати ва ҳажми ортиб, ўнлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Айни пайтда маҳсулотнинг бир қисми экспорт қилинаётир.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.



Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

«30¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси ўн кун ичида Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масала бўйича қарори Қонунчилик палатасининг мажлисида тасдиқланади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш тўғрисидаги қарори дарҳол Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий

Буклаш чизиғи

2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **216-модданинг иккинчи қисми** «ундан маслаҳат олиш» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **223-модда** «Депутатлар» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **18-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **40-модда** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ёзишмалари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **79-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 25 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

Буклаш чизиғи

Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **19-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорлари Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш масалаларига оид қарорлари Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **30¹-модда** билан тўлдирилсин:

«30¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нис-

ИЛҲОМБАХШ ТАНЛОВ

Мустақиллик йилларида санъат ва маданиятни ривожлантириш, Ватанга садоқат руҳидаги бадиий жиҳатдан баркамол қўшиқлар яратиш мақсадида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ҳам маънавий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди.

Маънавият

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қарордан келиб чиқадиган вазифалар хусусида фаоллар йиғилиши бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, уюшма раиси Абдулла Орипов бошқарган ушбу йиғилишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги вакиллари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Бастакорлар уюшмаси раҳбарлари иштирок этдилар. Таъкидландики, мазкур қарор қўшиқчилигимиз тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Шеърлари таниқли қўшиқчилар томонидан куйланиб, халқнинг мулкига айланиб бораётган истеъдодли шоирларнинг шеър матнлари муҳокама қилиниши, энг сараларини кўрик-танловга жалб этиш лозимлиги уқтирилди.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларни қўллаб-қувватлаш бугунги кунда асло кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Зеро, вужудида санъатга бўлган истеъдоди бор киши ҳар доим эзгулик ҳақида ўйлайди, ҳар хил ёт ғояларга эргашмайди, ўй-хаёли эл-юртга наф келтиришда бўлади. Ватанпарварлик эса нафақат ўз юртингни балоқазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун курашиш, эришилаётган ютуқлар билан фахрланиш, уни баралла тараннум этмоқ демакдир.

Қўшиқ эса инсон ҳис-туйғулари ва тафаккури меваси. У кўнгилдаги эзгу ғояларнинг ифодасидир. Яхши қўшиқ шоир, мусиқачи ва хонанда ҳамкорлигида яратилади. У ҳақиқий санъат ҳодисаси сифатида дунёга келиши ва халқ руҳияти ҳамда маънавиятига катта таъсир кўрсата олиши керак. Қарорда айнан мана шу нуқтаи назар ҳам эътиборга олиниб, танловнинг юқори савияда ўтиши учун таниқли шоир, бастакор ва санъаткорлар, тажрибали режиссёрлар, малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш қайд қилинган.

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Хўш, Ватанни куйлаш деганда биз нимани тушунамиз?

Эътибор берган бўлсангиз, Ватан дейилгандаёқ, вужудимизда ёқимли ҳислар уйғонади. Юракни аллаловчи оҳанг қулоғимизга чалингандек бўлади. Кўз ўнгимиздан туғилиб ўсган қадрдон гўшамизу, дўст-қадрдонлар сиймоси бир-бир ўтади. Ҳар лаҳза, ҳар сонияда онгу шууримизда шуълаланиб турувчи бу туйғунинг номи муҳаббатдир. Ватанга муҳаббат! Бир сўз билан айтганда, Ватан — она каби азиз, дўст сингари қадрдон, ҳаммамизга бошпанадир. Уни қадрлаш эса ҳар бир инсоннинг фарзидир.

Ҳаммамиз гувоҳмиз, аминмизки, юртимизда барча соҳаларда катта ўзгаришлар, ҳавас қилса арзигулик янгиланишлар рўй бермоқда. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимиздаги азиз-авлиёларнинг, пири комилларнинг хароб жойлари ободонлаштирилди, зиёратгоҳга айлантирилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Шоҳи Зинда сингари мажмуаларнинг аввалги ҳолати билан бугунгиси таққосланса, ақл шошади: мўъжиза! Мамлакатимизга ташриф буюраётган минглаб хорижий сайёҳлар, меҳмонлар бу ўзгаришларни кўриб ҳайратланмоқдалар.

Аминмизки, ушбу қарордан руҳланиб, яратилажак, айтилажак хонишлар ҳам мана шундай буюк ишларга, кўнгилдаги покиза ниятларга муносиб бўлади.

Истиқлол туфайли одамларнинг онг-тафаккури ўзгарди, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси Маҳмуд Тожибоев. — Бугун энг чекка ҳудудларда ҳам жаҳон андозаларига мос мусиқа мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ёшлар орасидан юзлаб иқтидор эгалари етишиб чиқмоқда, истеъдодли ўғил-қизларимиз мусиқа илмида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқдалар. Биз, санъаткорлар, хизмат тақозоси билан қўплаб мамлакатларда бўламиз. Баландпарвоз гапдан ташқари, дилимдагини айтадиган бўлсам, ҳеч бир юртда санъатга, болалар мусиқа мактабларига бу қадар юксак эътиборни кўрмаганман. Бугун бизда орзуларимиз рўёби учун барча имкониятлар етарли. Фақат изланиш, интилиш, меҳнат қилиш керак, холос.

Келажагимиз ворисларининг камолоти йўлида амалга оширилган бу эзгу саъй-ҳаракатга жавобан, ҳар биримиз ўз вазифамизга масъулият билан ёндашмоғимиз лозим. Мазкур қарордаги вазифаларни амалга ошириш минглаб иқтидор эгаларининг салоҳиятини юзага чиқариш, фарзандларимизнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ва маданий савиясини оширишга хизмат қилади.

Ватан ҳақида ёниб куйламоқ, она юртни юракдан тараннум этмоқ саодати ҳар кимга ҳам насиб этсин!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори архивлар тизимига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, фуқароларга қисқа вақт ичида керакли ҳужжатларни топишларида давлат архивларининг ўрни беқиёс. Айниқса, Самарқанд вилоятидаги давлат архивларида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ТАРИХ МУҲРЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР



Мазкур муассасаларда Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонунига амал қилиш ва фаолиятларини шу асосда ташкил этиш ходимларнинг биринчи галдаги вазифасига айланган. Шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 3 февралда “Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” ва 2008 йил 26 августда “Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларнинг қабул қилингани архивлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

— Ўтган йили вилоят давлат архивларида қоғоз асосидаги ҳужжатларни таъмирлаш 195 фоизга, уларни муқовалаш ва қайта тикиш ишлари эса 130 фоизга уддаланди, — дейди вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи Абдалим Маматов. – Режадаги 1850 сақлов бирлиги ўрнига 9718 сақлов бирлигидаги ҳужжат қабул қилинди. Бошқарма эксперт текширув комиссияси томонидан 25 тадан кўпроқ ташкилотнинг ҳужжатлар рўйхати кўриб чиқилди.

2008 йилда вилоят архивларида 283 сақлов бирлигидаги ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди. Шунингдек, 8356 сақлов бирлигидаги ҳужжат картонлаштирилди. Бундан ташқари, йил давомида вилоят давлат архивларида фаолияти тугатилган ташкилот, корхона ва муассасалардан 26200 га яқин ҳужжат қабул қилиниб, улар учун 23 та янги фонд очилди.

Ҳужжатлар хатловини такомиллаштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, бошқарувга ва шахсий таркибга оид ҳужжатларнинг рўйхатлари қайтадан тузилиб, такомиллаштирилди. Масалан, бошқарувга оид 1715 сақлов бирлигидаги ҳужжат ва 107 дона расм каталоглаштирилди ҳамда уларга карточкалар тузилиб, соҳадаги режа ортиғи билан уддаланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фонди ҳужжатларидан фойдаланиш ва уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш бўйича ҳам зарур вазифалар бажарилди. Мавзули сўровлар кўриб чиқилди ва архив ҳужжатлари асосида жавоблар берилди.

Вилоятда архивларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Жумладан, ўтган йили компьютер тўпламлари, рақамли фотоаппарат, нусха кўчириш аппарати каби техник воситалар хариди учун 9 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Қолаверса, аҳоли ва ташкилотларга пуллик хизмат кўрсатиш миқдори йилдан-йилга ошиб бораяпти. Ўтган йили вилоят давлат архиви ва унинг филиаллари томонидан 44,3 миллион сўмдан ортиқ, хўжалик ҳисобида ишловчи архивчилар гуруҳлари томонидан эса 86,9 миллион сўмга яқин пуллик хизмат кўрсатилди.

Бугун вилоятнинг 12 туманида хўжалик ҳисобидаги архивлар ишлаб турибди. Улар орасида Оқдарё туманида фаолият кўрсатаётган архив хизмати намуналидир.

— Архивимизда айни пайтда 60 та фонд мавжуд бўлиб, уларда 9392 сақлов бирлигидаги шахсий таркибга оид ҳужжатлар сақланмоқда, — дейди архив директори Машҳура Қурбонова. — Муассасамизга 2005 йилдан ҳозиргача 2100 та ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган сўровлар тушди. Уларнинг 2059 таси ўз вақтида ижобий ҳал этилди.

Етти нафар киши меҳнат қилаётган мазкур архивда 2006-2008 йиллар ҳамда жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида салкам 11 миллион сўмлик даромад қилинди. Ушбу маблағлар ҳисобига архивга иккита замонавий компьютер тўплами ва битта видео кузатув ускунаси харид қилинди. Бундан ташқари, 2007 йилда мазкур муассасада доимий фаолият кўрсатувчи музей ташкил этилди. У халқимизнинг бой тарихий маданиятидан дарак берувчи буюмлар билан бойитилмоқда.

Қонун ва ижро

Вилоят давлат архивининг Самарқанд тумани филиали аъзолари ҳам сидқидилдан фаолият олиб бормоқдалар. Ўтган йил охирида филиал биноси мукаммал таъмирланди. Сақловхонага қўшимча темир жавонлар ўрнатилди. Битта замонавий компьютер тўплами сотиб олинди. Айни пайтда бу ерда 200 минг дона ҳужжатга мўлжалланган янги замонавий сақловхона қуриш режалаштирилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятдаги архив муассасалари бугун халқ хизматида. Уларда сақланаётган қанчадан-қанча ҳужжатларда кеча ва бугунимиз мужассам. Соҳа ходимлари эса уларни ўз ҳолича сақлаш, зарур пайтда таъмирлаш, имкон қадар электрон нусхаларини яратиш ўзларининг энг муҳим вазифалари эканлигини ҳар лаҳзада ҳис этишади. Бу борада ғайрат-шижоатларини, билим ва маҳоратларини аяшмайди. Энг асосийси, улар учун барча имкониятлар яратилган.

Абдурасул САТТОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Тоғ аҳолиси мамнун

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Жиззах филиалига 101,5 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

Жумладан, улар орасида сунъий нафас ва наркоз бериш қурилмалари ҳамда анализатор ва рефрактометр ускуналари мавжуд. Бундан ташқари, 6 та санитар машинаси ажратилган бўлиб, улар тез орада тоғли қишлоқлар ҚВПларига етказилади.

Шунингдек, ушбу ҳаракат доирасида 9 нафар қарияга жарроҳлик йўли билан сунъий кўз гавҳари ўрнатилганлиги эътиборлидир.

Албатта, бу ғамхўрликдан тоғли қишлоқлар аҳолиси мамнун бўлишмоқда.

Б. САТТОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 27 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилади:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган ХЁАТ «Парвина» банки ва унинг тизимидаги хўжалик юритувчи ташкилотларга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

I. Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 157-уй, «Самарқанд автотеххизмат» 1-сонли автосалон омборхонасида сақланаётган:

- *«Дамас» русумли автомашина, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 109, техник носоз.* ***Бошланғич баҳоси — 5 825 795 сўм.***
- *«Дамас» русумли автомашина, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AJ 110, техник носоз.* ***Бошланғич баҳоси — 5 645 150 сўм.***

II. Самарқанд шаҳри, Аэропорт ҳудуди, Лочин кўчаси, 9-уй, «СУ-855» МЧЖ ҳовлисида сақланаётган:

- *«МАЗ-5549» русумли автомашина, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 14 AD 068, техник носоз.* ***Бошланғич баҳоси — 140 400 сўм.***
- *«МАЗ» русумли автомашина, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 13-24 ТНП, техник носоз.* ***Бошланғич баҳоси — 17 385 000 сўм.***

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси жорий йилнинг 18 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасининг

«ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ-ЖИҲОЗ» РЕСПУБЛИКА ФИЛИАЛИ

2009-2010 ўқув йили маҳсулотларини вилоятларга етказиб бериш бўйича «Мерседес-бенц» ва «Камаз» русумли усти ёпиқ автомашиналари бўлган автокорхоналар ўртасида танлов эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 229-12-30, 229-12-28, 229-04-94.

Танлов — 10 кун давом этади.

360R/527

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 30 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2008 йил 7 ноябрдаги ажримига асосан, Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хом ашё таъминоти» МЧЖга тегишли бўлган, Хива шаҳри, К.Ёқубов кўчаси, 71-уйда жойлашган қўлда гилам тўқиш фабрикасининг 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони 872,6 кв.метрни ташкил қилган ишлаб чиқариш цехи биносининг бошланғич баҳоси 8 фоизга арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

Жорий бошланғич баҳоси — 198 842 134 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека банк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

Манзил: Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.
Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 226-43-64.
www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ишонч доим мустаҳкам!

ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана — 2009 йил 8 апрель.
Саудия тараққиёт жамғармаси, кредит № 1/488. ОПЕК жамғармаси, кредит № 1186P.
Лойиҳа номи — Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш.

ХАЛҚАРО ТЕНДЕР ТАНЛОВИ

1. Саудия тараққиёт жамғармаси (СТЖ) ҳамда ОПЕК халқаро ривожланиш жамғармалари томонидан «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш ва молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағнинг маълум бир қисми қуйида келтирилган умумтаълим мактабларининг қурилиши билан боғлиқ шартнома доирасидаги тўловларни амалга ошириш учун кўзда тутилган. Тендер савдоларида СТЖ ва ОПЕК жамғармаларининг маҳсулот ва хизматлар харид қилиш йўриқномасига мувофиқ, ушбу ташкилотларнинг барча аъзо давлатлар ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қонуний ҳуқуққа эга бўлган барча ташкилот ва фирмалардан қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича муҳрланган таклифларни қабул қилади:

Лот-1. Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-2. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-3. Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 73-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-4. Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 54-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-5. Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 23-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-6. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 24-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-7. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 140-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-8. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 74-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-9. Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 94-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-10. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 31-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-11. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 60-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-12. Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 80-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-13. Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 25-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-14. Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 37-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-15. Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 142-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-16. Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 43-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-17. Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 21-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-18. Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 87-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-19. Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги 4-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-20. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-21. Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 16-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-22. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 3-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-23. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 47-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-24. Тошкент вилояти Пскент туманидаги 36-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-25. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 31-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-26. Тошкент вилояти Паркент туманидаги 36-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-27. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 49-сонли умумтаълим мактаби.
Лот-28. Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 28-сонли умумтаълим мактаби.

3. Тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида фаолият олиб бораётган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Тел.: 239-17-05, 239-46-50)дан олиш мумкин. Тендер ҳужжатларининг ҳар бир тўплами учун ҳар қандай ҳолда қайтариб берилмайдиган 200 АҚШ доллари (маҳаллий иштирокчилар учун пул ўтказилаётган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича сўмдаги қийматида) миқдоридаги тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги тўлов талабномаси тақдим этилганидан сўнг олиш мумкин.
4. Тендер таклифлари танлов эълон қилинган кундан бошлаб 90 кун давомида ҳақиқий ҳисобланади. Иштирокчилар ўз таклиф ҳужжатлари билан бирга таклиф этилаётган нархнинг 2,5% миқдоридаги кафолат маблағи мавжудлигини тасдиқловчи банк маълумотномасини ҳам тақдим этишлари лозим. Тендер ҳужжатлари (танловнинг ёпилиши 2009 йил 8 майга мўлжалланмоқда) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан қабул қилинади (Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Телефонлар: 239-17-05, 239-46-50). Тендер ҳужжатлари ушбу халқаро тендер танлови қатнашчилари вакиллари иштирокида очилади.
5. Таклифларни баҳолаш жараёнида маҳаллий иштирокчилар 10 фоизли устама олиш имкониятига эга бўладилар.

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи менежери Фаязов Джамшед, Мустақиллик майдони, 5-уй, 107-хона, 100078, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон.
Телефон: (+998 71) 239-46-50. Факс: (+998 71) 239-17-05. E-mail: uzb_020@yahoo.com

“Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компаниясининг жамоаси “Ўзкимёсаноатлойиҳа” очиқ акциядорлик жамиятининг бош директори Сафар Холмўминовга онаси

НАСИБАЛИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри жамоаси театр актёри Қаҳрамон Мелиевга падари бузруквори

Эшмирза МЕЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қурилаётган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи дирекцияси, “Ўзкимёсаноатлойиҳа” институти бош директори Сафар Холмўминовга онаси

Насибали ая ХОЛМЎМИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ *«Тез пул ўтказиш» хизмати* *Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!* ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24, САЙТ: WWW.POCHTA.UZ, E-MAIL: OAO@POST.UZ

ҲИКМАТ БИЛАН ОБОДДИР ДУНЁ

Умр зиналари

Йигитликда эслайсан болаликни,
Боғлари гул, тоғлари лолаликни.

Ўрта ёшда йигитлик ёдга тушар,
Томирингда қонларинг қайнаб, жўшар.

Етгайдирсан олтмишу етмишга ҳам,
Ўрта ёшинг ўйларсан сен ушбу дам.

Асло рухсат сўрамай умр елар,
Томорқангга тўқсон ҳам кириб келар.

Қилолмайсан ҳеч кимдан ўпка-гина,
Ахир тугаб бормоқда кўҳна зина.

Кексаликни эслашга келмас навбат,
Энди битта тасалли қолгай фақат:

Набиралар нима деб ёдлар экан?
Феъли қандоқ чол эдинг? Гулми, тикан?

Не бўлса ҳам яшайвер кўрмай завол,
Лекин сўнгги синовга шай тургин, чол.

19.03.2009 й.

Бор гап

Ҳозирча кераксан ёруғ оламга,
Ҳозирча номинг бор, йўлингда йўқ ғов.
Зийрак бўл, дуч келган ҳар бир одамга —
Салом бер дарров.

Назм гулшани

Эҳтимол, ақчанг ҳам мўлдир қўлингда,
Тагингда тулпоринг кишнар, эҳтимол.
Кимки салом берса учраб йўлингда,
Алик ол дарҳол.

Пайт келар, бир четда кезурсан танҳо,
Тулпоринг кишнамас, ақчанг ҳам қолмас.
Сенинг борлигингни билишмас ҳатто,
Ҳеч ким салом бермас,
Алик ҳам олмас...

30.03.2009 й.

Ота

Ушбу ҳикмат билан ободдир дунё,
Отани билмишлар пир деб доимо.
Ота ризолигин олиб юр мудом,
Ота қарғишидан асрасин, Худо.

10.04.2009 й.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Ҳаёт кўзгуси

Мана бу кўприкдан ўтасан ҳар кун,
Манзилинг яқиндир, ташвишинг йироқ.
Кимдир бу кўприкни қургани учун
Бир оғиз раҳматинг айтмайсан, бироқ.

Чинорнинг сояси сени этди ром,
Чарчоғинг чиқариб, мизғидинг секин.
Унинг паноҳида топдингу ором,
Бир зум эсламадинг эгасин, лекин.

Одам боласига хосдир бу одат,
Ҳар қандай ҳолда ҳам ўйлар ўзини.
Ахир ўз аксини кўргайдир фақат,
Кўзгуга ташлаган чоғи кўзини.

Бу гап бамисоли Хизр йўлиқиб,
Бошқа қиёфада турган кабидир.
Шоирнинг шеърини мириқиб ўқиб,
Ўзини танимай юрган кабидир.

7.04.2009 й.

Истиқлол йилларида юртимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, ёш иқтидорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Миллатимизнинг бетакрор урф-одатлари, анъана-қадриятлари, санъатини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказишда, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда бу масала муҳим аҳамиятга эга. Мавжуд имкониятлар туфайли юзлаб ёшлар ўз иқтидорини эмин-эркин намойиш этиб, эл меҳрини қозонаётгани қувонарлидир, албатта. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ҳам айнан мустақиллик йилларида кашф этилган истеъдодлардан биридир.

САНЪАТ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ

— Ватан ҳақида шеър битмаган шоир, қўшиқ куйламаган хонанда бўлмаса керак. Шундай бўлса-да, бу мавзуда янги-янги ижод намуналари яратилаверади. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Дунёда шундай туйғулар борки, улар инсоннинг ўзи билан бирга туғилади. Ватанни севиш туйғуси улар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Менимча, ота-она, яқинлар, дўсту биродарлар, маҳалладошлар ва бутун юртнинг бир-бирига меҳр-оқибати — бу Ватанга муҳаббат тимсолида янада яққолроқ намоён бўлади. Қолаверса, бу муқаддас туйғуни киши умри давомида кашф қилиб, англаб бораверади.

Мен улуғ бобокалонларимиз, бугунги кунда юрт равнақи учун ёниб яшаётган инсонлар, катта муваффақиятларга эришаётган ёшларимиз тимсолида дадил одимлаётган Ватанимизни кўраман. Бу тасаввуримни юрт ҳақидаги хонишларимда баҳолиқудрат ифода этишга ҳаракат қилганман. Озод ва обод элга байрамлар, куй-қўшиқлар ярашади. Шу боис, нуроний отахон-онахонларимиз дуога қўл очганларида, энг аввало, осойишталикни, хотиржамликни тилайдилар. Зотан, эл-юрт тинчлиги, озодлиги ҳар нарсадан улуғ. Буни қадрлаш эса ҳар бир ватанпарвар инсон зиммасига улкан масъулият юклайди. Ватанпарварлик нафақат ўз юртингни балоқазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун ҳисса қўшиш, шоир айтганидек: "Айтгил дўстим, нима қилдик, Ватан учун?" деб яшаш демакдир.

— Ҳар бир инсон ўзига хос истеъдод соҳиби бўлиши мумкин. Лекин иқтидорнинг рўёбга чиқиши, шубҳасиз, мавжуд имконияти шароитларга ҳам боғлиқ. Ушбу соҳанинг бир вакили сифатида бу борадаги ўзгаришларни нималарда кўрасиз?

— Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида турли танловлар, нуфузли тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланди. Жумладан, "Ниҳол", "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, "Келажак овози" танловлари бугун том маънода истеъдодларни кашф қиладиган тадбирга айланди. Мен бундай тадбирларни катта ҳаяжон билан кузатаман. Айниқса, "Янги авлод" фестивалида 6-10 ёшдаги болажонларимизнинг миллий мумтоз қўшиқларимизни жонли ижро этиши қувонарлидир.

Юртимизда ёшларимизнинг истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун барпо этилган Ёшлар ижод саройини олайлик. Дунёнинг ҳеч бир ерида ёшлар учун бундай муҳташам маскан қуриб берилганини эшитмаганман.

Биласизми, истеъдодни инсон қалбини қиздириб турувчи оташга ўхшатаман. Истеъдодли киши ташқи кўринишидан

Учрашув

қўлидан бирор иш келмайдигандай кўринса-да, қалбининг тубида ёниб турган олов тафти билан истеъдод ва маҳоратини намойиш қилади. Атрофдагиларни кутилмаганда қойил қолдиради. Бу оташ ижодкорга доимий туртки бериб туради. Қалби ана шундай ёниб турувчи санъаткорларимиз кўпроқ бўлишини истардим. Истеъдод инсоннинг ҳеч кимга дахлдор бўлмаган бойлиги. Фақат уни авайлай билиш ва фойдалана олиш керак.

Ўрни келганда айтишимиз керакки, ўтган йили Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Бу ҳужжат ҳам мусиқа ва санъат ривожи йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Илгари бундай имкониятлар бўлмаган. Бунинг қадрига етишимиз, миллийлигимизни унутмаслигимиз, фақат ўзимизга хос йўлдан бориб, четдан кириб келиши мумкин бўлган ёт маданиятга эргашмаслигимиз керак.

— Мухлисларингиз давраси йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу сизга илҳом бахш этса керак?

— Бугунги кунда 5-10 та одамга маъқул бўлишнинг ўзи бўлмайди. Сиз назарда тутган мухлислар олдида ўзимни ҳамиша қарздордек ҳис қиламан. Уларнинг олқиши мен учун бениҳоя қадрли. Куйни кўнглига жойлаган, қўшиққа ошуфта бўлган одам фақат эзгулик ҳақида ўйлайди. Санъат ҳамиша бунёдкорликка даъват этади. Шуларни ўйлаганда гўзал Ватанимиз ҳамиша дунёни мафтун этаверсин, дейман.

— Бугун санъатимизда "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттиришни давр талаб этаяпти. Зеро, устозлар ўз ижод мактабини шакллантириши санъатимиз истиқболига хизмат қилади. Шундай эмасми?

— Ўзбек санъатида чин маънода мактаб яратиб келган санъаткорлар, беадад шукурки, жуда кўп. Лекин фақат уларнинг номларини тилга олиб, ғурурланиш билан иш битмайди. Гап ўша мактаб қай тарзда вужудга келганлигини, санъатнинг юксак чўққилари қандай заҳмат эвазига забт этилганлигини ҳис қилишда.

Мумтоз санъаткорларимиз қолдирган мерос биз, ёшлар томонидан зўр эҳтиром билан эъзозланиши, айни пайтда бойитилиши керак. Халқ кўнглига мос асар яратиш учун ўзга мамлакатлар санъатини кўр-кўрона кўчиришимизга ҳожат йўқ. Биз, таъбир жоиз бўлса, хазина устида ўтирибмиз. Бу ҳам халқимизнинг ўтмиши буюк эканлигидан далолатдир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ
суҳбатлашди.

Спорт • Sport • Спорт

Бугун Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий спортимиз — кураш бўйича IX халқаро турнир бошланади.

ПОЛВОНЛАРНИНГ ЗЎРИ ТЕРМИЗ ГИЛАМЛАРИДА

Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирига 1993 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан асос солинганди. Мазкур турнир курашимизни жаҳонга таргиб қилиш билан биргаликда, кўплаб полвонларни юртга танитди. Карлос Хонорато (Бразилия), Селим Тотар ўғли (Туркия), Саид Хусрави Нежад (Эрон) каби дунё тан олган полвонлар ўзбекистонликлар учун қадрдон бўлиб қолишди.

Миллий қадриятимиз — курашни халқчил спорт тури десак, муболаға бўлмайди. Чунки курашда ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассам. Бугунга келиб, Президентимиз раҳнамолигида халқаро спорт майдонига чиққан кураш кўпчиликнинг севимли спорт турига айланиб улгурди. Бешта қитъада Кураш конфедерациялари ташкил этилган. 100 дан ортиқ давлатда кураш федерациялари расмий фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кураш жорий йил Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтадиган ва Таиланд давлати мезбонлик қиладиган якка кураш спорт турлари бўйича Осиё ўйинлари дастуридан ҳам расман жой олган.

Халқаро турнир олдидан пойтахтимиздаги "Интерконтинентель" меҳмонхонасида Кураш халқаро ассоциациясининг навбатдаги ижроқўм йиғилиши ва матбуот анжумани ташкиллаштирилди. Ижроқўм йиғилишида курашни дунёда янада ривожлантириш, қитъавий конфедерациялар фаолиятини кучайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Тадбирда фахрий меҳмон сифатида иштирок этадиган Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо, Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамда 2012 йил Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш бўйича ХОҚ комиссияси аъзоси, енгил атлетика бўйича уч карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Ирена Шевинска курашнинг дунёдаги ривожига юқори баҳо бердилар.

— Шу ой охирларида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида якка кураш спорт турлари бўйича биринчи Осиё ўйинлари бўлиб ўтади, — дейди Осиё кураш конфедерацияси президенти Муҳаммад Деракшан. — Барчангизни ана шу нуфузли мусобақада илк бор кураш бўйича ҳам расмий беллашувлар ўтказилиши билан табриклайман.

Халқаро турнир

Унда эркаклар (7 вазн) ҳамда аёллар (7 вазн) гиламга чиқадилар. Ҳозирча қитъанинг йигирмага яқин мамлакати вакиллари мусобақада тўлиқ таркиб билан иштирок этиш истагини билдиришган.

Термизда халқаро турнирни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўрилди. Мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган полвонлар ва ташкилотчиларнинг айримлари билан учрашиб, уларнинг бу ҳақдаги фикрларини тингладик.

Тўрабой Ўтаев, кураш ва самбо бўйича Осиё чемпиони:

—13-14 ёшимдан бошлаб устозларим — халқаро тоифадаги спорт усталари Рўзи Ўтаев ва донгдор полвон Рўзимурод Курбоновдан курашнинг усулларини ўрганганман. Термизда ўтадиган бу турнир мен учун, қадрли. Чунки жаҳоннинг турли бурчакларидан келадиган кўплаб полвонлар биз, ўзбек курашчиларининг хатти-ҳаракатига алоҳида эътибор билан қарашади. Минглаб йиллардан бери давом этиб келаётган, мустақиллик туфайли халқаро спорт тури сифатида тан олинган курашнинг тартиб-қоидаларини биздан янада кўпроқ ўрганмоқчи бўлишади.

Эргаш Худоёров, Маданият ва спорт ишлари бўйича вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Турнир ғолиблари учун 42 000 АҚШ доллари миқдорида умумий мукофот жамғармаси белгиланган бўлиб, мутлоқ ғолибга 10 минг, иккинчи ўрин соҳибига 2 минг, учинчи ўринни қўлга киритган курашчига эса 1 минг АҚШ доллари миқдорида совғин берилади. Тўртинчи ва бешинчи ўрин эгалари ҳам 500 долларлик рағбат мукофотига эга бўладилар.

Шунингдек, ўз вазн тоифасида биринчи ўринни олган полвонга 2 минг, иккинчи ўрин соҳибига бир минг, учинчи ўринни олган спортчига 500 долларлик совғин бериш кўзда тутилган.

Мукофотнинг кимга насиб этишидан қатъи назар, ҳалол беллашиб, ўзбек курашининг довруғини дунёга танитадиган спортчиларга ўз эҳтиромизни билдирамиз, мақсадимиз — курашни жаҳонга танитиш, мухлислар сонини кўпайтиришдир.

З. ЖОНИБЕКОВ,
Г. ТАНГИРОВА,
«Халқ сўзи» мухбирлари.



Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

КУНЧИҚАР ЎЛКА МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент фотосуратлар уйида "Сирли Япония" фотокўргазмаси очилди.

Тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унинг очилишида санъат ихлосмандлари, фотоижодкорлар, юртимиздаги дипломатик корпус ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари маданият ва санъат йўналишларида ҳам иччил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Япония ўртасида санъатнинг барча турлари, жумладан, фотография йўналишидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгаймоқда. Икки мамлакат фотоижодкорлари Ўзбекистон ва Японияда ўтказиладиган фотокўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мазкур кўргазмада япониялик машҳур фоторассом Яхаги Кидзюронинг суратлари намойиш этилмоқда. Улар Кунчиқар юртнинг тарихи, япон халқининг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилади.

— Кўргазмани ташкил этишдан кўзланган мақсад суратлар орқали ўзбекистонликларни Япония халқининг ҳаёти билан яқиндан таништиришдан иборат, — дейди Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси биринчи котиби Масаказу Такахаши. — Юртингизда ижодкорларга улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани, эркин ижод учун кенг имкониятлар очиб берилгани диққатга сазовор. Бу уларни ўз маҳоратини янада оширишга ундайди, илҳомлантиради, янги ва янги ғоялар туғилишига замин ҳозирлайди.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

"Туркистон" саройида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон, сени куйлайман!" санъат фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

«ЎЗБЕКИСТОН, СЕНИ КУЙЛАЙМАН!»

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар, муассасалар қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди.

Фестивалда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда қишлоқларимиз қиёфасини, ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий савиясини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини ошириш масаласи муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида турли вазирлик ва идоралар томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон, сени куйлайман!" республика санъат фестивали ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. Унда фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган етмишдан зиёд бадиий жамоа ва яккахон ижрочи иштирок этди. Миллий мусиқа ва рақс санъатимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, ундан халқимиз, айниқса, ёш авлодни кенг баҳраманд этиш, чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва яккахон хонандаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мазкур ижодий лойиҳадан кўзланган асосий мақсаддир.

Бадиий жамоалар ва яккахон хонандалар она Ватан, истиқлол, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, бағрикенглик, меҳр-мурувват каби эзгу ғояларни тараннум этувчи куй-қўшиқларни ижро этди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Жорий йилнинг 20-27 март кунлари Туркияда Халқаро пазандалар ассоциацияси (WACS) ташаббуси билан 7-халқаро пазандалар фестивали бўлиб ўтди.

ЎЗБЕК ТАОМИНИНГ ШУҲРАТИ

Ушбу тадбирда юртимизнинг бир гуруҳ пазандалари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Дунёнинг 15 та мамлакатидан 992 нафар пазанда иштирок этган ушбу фестивалда ўз маҳоратларини намойиш эта олган юртдошларимиз ёруғ юз билан Ўзбекистонга қайтдилар.

— Тадбирда Россия, Греция, Венгрия, Англия сингари кўплаб мамлакатларнинг ошпазлари беллашдилар, — дейди фестивалнинг карвинг бўйича олтин медали соҳиби Суннатилла Сулаймонов. — Бири-биридан тажрибали ошпазларни кўриб, халқаро танловларда илк бор иштирок этган ёшларимиз, Тошкент Туризм коллежи талабалари Азизбек Йўлдошев, Илҳом Турсунов ва Муҳаммадали Алиевлар бироз ҳаяжонланишса-да, астойдил тайёргарлик кўришгани уларга ғалаба келтирди.

Пазандачилик

Балиқ ва хамирли таомлар, ресторан ширинликлари ва карвинг (сабзавот ва меваларга чиройли шакл бериш) бўйича беллашувларда иштирок этган юртдошларимиз 3 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза ва 2 та рағбатлантирувчи диплом билан қайтдилар.

М. ХОЛМАТОВА
тайёрлади.

ОБ-ҲАВО

(11 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Фарғона водийси. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 10-12, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 22.50